

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.20.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ДОСЧАНОВА МАНЗУРА БАБАЖАНОВНА**

***ANACANTHOTERMES JACOBS* АВЛОДИ ТЕРМИТЛАРИНИНГ  
ЭКОЛОГИЯСИ, ХУЛҚ-АТВОРИ ҲАМДА КАСАЛЛИКЛАРГА  
МОЙИЛЛИГИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус - 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Досчанова Манзура Бабажановна**

*Anacanthotermes* Jacobs авлоди термитларининг экологияси, ҳулқ-атвори ҳамда касалликларга мойиллиги..... 3

**Досчанова Манзура Бабажановна**

Экология, поведениа и восприимчивость к болезням термитов рода *Anacanthotermes* Jacobs..... 21

**Doschanova Manzura Babajanovna**

Ecology, behavior and susceptibily to diseases of termites of the genus *Anacanthotermes* Jacobs..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.20.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ДОСЧАНОВА МАНЗУРА БАБАЖАНОВНА**

***ANACANTHOTERMES JACOBS* АВЛОДИ ТЕРМИТЛАРИНИНГ  
ЭКОЛОГИЯСИ, ХУЛҚ-АТВОРИ ҲАМДА КАСАЛЛИКЛАРГА  
МОЙИЛЛИГИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/В318 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Хоразм Маъмун академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаев Икрам Искандарович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Жугинисов Тангирберген Исаевич**  
биология фанлари доктори, доцент

**Бекмуродов Абдужаббор Сатторович**  
биология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.В.20.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «10» февраль куни соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1 уй. Университет мажлислар зали. Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78, E-mail: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz))

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№64-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1 уй, Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78.

Диссертация автореферати 2022 йил «24» январь куни тарқатилди.  
(2022 йил «24» январдаги 1-рақамли реестр баённомаси)



**М.А.Жуманов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

**М.К.Бегжанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.ф.д.

**Я.И.Аметов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошвиддаги илмий семинар раиси, б.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда инсон фаолияти ва табиатни ўзлаштирилишини жадаллашуви тирик организмларнинг турли материал ва техник қурилмалар билан алоқасини ортишига ҳамда биозарарланишлар кўламининг кенгайишига олиб келмоқда. Бу ўринда ўзига-хос хулқ-атвор ва ижтимоий табақалашувга эга зарарли ҳашаротлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларга қарши табиий кушандалар ва микроорганизмлар асосида биологик курашнинг самарадор чоратадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда бино-иншоотлар ва уларнинг конструкцияларига катта зарар келтирувчи ҳашаротлар, жумладан, термитларга қарши курашиш ҳамда уларни тарқалишини олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, термитлар ҳилма-хиллигини ўрганиш халқаро маркази ташкил этилди, термитлар тарқалишини кузатиб боришнинг биотехнологик усуллари жорий этилди ва уларга қарши курашишнинг такомиллашган воситалари ишлаб чиқилди. Таъкидлаш лозимки, Осиё ва Африканинг иссиқ ва қурғоқчил ҳудудларда тарқалган *Nodotermitidae* оиласи вакиллари ичида *Anacanthotermes* авлоди вакиллари озуқа ва уя қурилиши учун зарур материалларга ўта ихтисослашуви ва ижтимоий-жамоа алоқаларнинг мустаҳкамлиги уларнинг кенг экологик диапазонда тарқалиши ва мослашувчанлигини таъминлайди. Бундан ташқари, *Anacanthotermes* авлоди термитларининг табиий муҳитдан бино ва иншоотларга прогрессив кўчиш жараёни ҳамда тарқалишининг инвазив даражалари бевосита атроф-муҳит ҳолатидаги ўзгаришлар ва табиий ландшафтларнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ жараёнларга бевосита алоқадор бўлиб, термитларнинг ушбу ижтимоий хулқ-атвор ҳамда экологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш мумкин. Шунга кўра, *Anacanthotermes* авлоди термитларининг экологияси ва хулқ-атворини аниқлаш, касалликларга мойиллигини баҳолаш ҳамда уларга қарши курашишнинг табиий ва безарар воситаларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирда республикада деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик ва бошқа иқтисодиёт ҳамда стратегик тармоқларини биозарарлантиришдан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан, маъмурий ҳудудлар кесимида зарарли турларнинг тарқалиши ҳамда инвазивлик даражалари аниқланди, уларни республикада худудига кириб келиши ҳамда тарқалишини олдини олиш чоралари ишлаб чиқилди, бино-иншоотлар конструкцияларига зарар келтирувчи термитларга қарши курашишнинг уйғунлашган усуллари яратилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup>, жумладан «атроф-муҳит

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ҳолатига зарар етказадиган муаммоларнинг олдини олиш» вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан, *Anacanthotermes* авлоди термитларини хулқ-атвори ва экологиясини ўрганиш, термитлар миқдорини табиий бошқарилишини аниқлаш ҳамда уларга қарши курашишнинг муқобил чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон «2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Термитлар муаммоси бўйича илмий тадқиқотлар хорижлик олимлар N.M.Collins (1989), A.R.Lax ва L.Osbrink (2003), K.I.Khan ва бошқ. (2004), T.Bourguignon ва Y.Roisin (2006), C.A.Dunlap, M.A.Jackson ва M.S.Wright (2007), S.Vincent (2010), C.James (2011), CO Pozo-Santiago ва бошқ. (2020) томонидан ўрганилган бўлса, МДХ мамлакатларида В.Г.Баева ва бошқ. (1993), Голиченков М.В. (2002), Д.П.Жужиков (1984), Б.Г.Розанов (1984), Г.Г.Длусский ва О.С.Союнов (1988), М.Г.Непесова ва бошқ. (1992), Н.В.Беляева (2004), О.Н.Бирюкова ва бошқа олимларнинг (2000) илмий асарларида кузатиш мумкин.

Республикада термитларга оид маълумотлар А.Ш.Хамраев ва бошқ. (2003, 2010), Т.Кулумбетова (1999), А.А.Нуржанов ва бошқ. (2005) Т.И.Жугинисов (2007), И.И.Абдуллаев (2002; 2016), З.О.Бекберганова, А.Ш.Хамраев (2008), Б.Р.Холматов (2011), З.Ш.Матякубов (2020) ишларида республикада термитларнинг биоэкологик хусусиятлари, морфологияси, таксономияси, ёғоч материалларнинг термитларга чидамлилиги хусусиятлари, аҳоли турар жой бинолари ва тарихий обидаларда тарқалиши ва зарари, термитларга қарши уйғунлашган курашлари билан бевосита боғлиқ. Тадқиқотлар табиий ва антропоген шароитларда термитлар сонини ва турли географик зоналарда уларнинг тарқалишини назорат қилувчи кимёвий ва биологик препаратларни синашга йўналтирилган эди.

Бироқ бугунги кунда ушбу препаратларнинг замон талабларига етарлича жавоб бермаслиги, термитларнинг тавсия этилаётган ушбу препаратларга тезда мослашувчанлиги термитлар сонини назорат қилишни тўлиқ ифодамай

олмайди. Шу сабабли Хоразм воҳаси термитларининг хулқ атворини ўрганиш, уларни касалликларга мойиллигини аниқлаш ва таҳлил қилиш, табиий шароитда уларнинг кушандаларини аниқлаш ва баҳолаш ҳамда уларни бошқаришнинг биологик асослари юзасидан тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланиб, назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Хоразм Маъмун академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф5-ФА-0-15516 “Термитларга қарши курашда энтомопатоген замбуруғларидан ем-хўрак сифатида фойдаланиш” (2014-2015) ва Урганч давлат университетининг ПЗ-20170926429 “Жанубий оролбўйи антропоген ландшафтларида термитларни экологик мониторинги ва уларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш” (2018-2020) мавзусидаги инновацион ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** *Anacanthotermes* Jacobs авлоди термитларининг экологияси, хулқ-атворини аниқлаш, касалликларга мойиллигини баҳолаш ҳамда уларга қарши биологик курашишнинг самарадор усул ва воситаларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

*Anacanthotermes* авлодига мансуб *Anacanthotermes ahngerianus* термит популяциялари тузилиши ва функционал хусусиятларини аниқлаш;

*Anacanthotermes* термит уяси тузилиши, камералари ва уларнинг ижтимоий боғлиқлик даражасини ўрганиш;

*Anacanthotermes* авлоди термитларини хулқ-атворини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

термитлар ҳаёт фаолиятига намлик ва ҳароратнинг ижобий таъсирини тажриба йўли билан исботлаш;

биота компонентларини хилма хиллигини аниқлаш ва уларнинг термитлар ҳаёт фаолиятига таъсирини тадқиқот асосида очиб бериш;

термитлар миқдорини табиий бошқарилишини аниқлаш ва баҳолаш ҳамда уларга қарши курашнинг муқобил чора тадбирларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;

**Тадқиқотнинг объекти** *Anacanthotermes* авлодига мансуб *Anacanthotermes ahngerianus* термит табақалари, улар билан боғлиқ биота компонентлари ва Хоразм воҳаси шароитда термитлар билан зарарланган бинолар, термитлар тарқалган табиий ландшафтлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** термит табақаларининг тарқалиш ареалларидаги функцияланиши, уяларидаги биота компонентлари (микроорганизмлар, умуртқасизлар) билан муносабатлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда кузатув, солиштира, фенологик, морфологик, энтомологик, микологик, паразитологик, биометрик, статистик ҳамда қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

*Anacanthotermes* авлоди термит табақалари ҳуққ атвори ва уларнинг тарқалиш ареалларидаги функцияланиш хусусиятлари аниқланган;

*Anacanthotermes* термит уя камералари тузилиши ва уларнинг ижтимоий боғлиқлик хусусиялари очиб берилган;

илк бор кананинг *Nypoapis miles* тури *Anacanthotermes* авлоди термитларида паразитлик қилиши ҳамда *Myrmicinosporidium durum* замбуруғининг табиий шароитда термитлар миқдорини бошқариш хусусияти аниқланган;

*A. ahngerianus* термитлари паразитлари ва табиий қушандаларининг 5 туркум, 6 оила, 16 авлодга мансуб 31 тури аниқланиб, Formacidae оиласи вакиллариининг роли очиб берилган;

илк бор 5-алмашган амино-1,3,4-тиадиазолин-2-тион ҳосилалари асосида препаратлар синтез қилинган ва *B. thuringiensis*+бор кислота препаратларнинг термитларга қарши курашда биологик самарадорлиги аниқланган ва синовдан ўтказилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

патогенли (*Metarhizium anisopliae*, *B. thuringiensis*+бор кислота) ва захарловчи ем-хўрақларни (5-алмашган амино-1,3,4-тиадиазолин-2-тион ҳосилалари асосида тайёрланган препарат) турар жой бинолар, тарихий обидаларда қўллаш усуллари ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган;

тарихий ёдгорликлар, аҳоли турар жой бинолари ва бошқа иншоотларнинг ёғоч қисмларини термитлар зараридан сақловчи ва миқдорини камайтирувчи замбуруғлар ассоциациясида тайёрланган янги ем-хўрақ яратилган ва амалиётга жорий қилинган;

термитларга қарши кураш қурилмаси схемаси яратилган ва ишлаб чиқишга жорий этилган;

термитлар зарарини олдини олиш ва уларга қарши уйғунлашган кураш тизимига оид тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Ишда қўлланилган солиштирма, биометрик, энтомологик, физиологик, морфологик, фенологик, қиёсий таҳлиллар асосида олинган тажриба натижаларини назарий маълумотларга мос келиши, морфометрик маълумотларни Biostat-3.8 ([www.biostatsoft.com](http://www.biostatsoft.com)) дастурида статистик таҳлил қилинганлиги, фойдали моделга патент, тавсиялар ва термитларга қарши захарли ҳамда патогенли ем-хўрақнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *Anacanthotermes* авлодига мансуб термитларнинг экологиясини таҳлил қилиш асосида термит табақаларининг шаклланиши, ҳуққ атвори, уя тузилиши ва уларнинг ижтимоий боғлиқлик хусусиялари шунингдек, биота тур хилма-хиллигини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тарихий ёдгорликлар, аҳоли турар жой биноларининг ёғоч қисмларини термитлар емиришдан муқобил биологик ва кимёвий препаратларнинг яратилганлиги ва уларни



термитларнинг зарарига қарши уйғунлашган кураш чораларини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “*Anacanthotermes Jacobs* авлоди термитларининг экологияси, ҳулқ-атвори ҳамда касалликларга мойиллиги” мазуси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тарихий ёдгорликлар, аҳоли турар жой бинолари ва бошқа иншоотларнинг ёғоч қисмларини термитлар зараридан сақловчи ва миқдорини камайтирувчи замбуруғлар ассоциацияси асосида тайёрланган янги патоген ем-хўрак “Ичан-қалъа” давлат музей кўриқхонасининг термитлар зарарини камайтириш ва уларга қарши кураш амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги маданий мерос агентлигининг 2021 йил 15 ноябрдаги №02-01/145-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу ем-хўрак термитлар миқдорини 70-80% гача камайтириш, ёғоч материалларни зарарлаш фаолиятини тўхтатиш имконини берган;

термитлар уяларида яшаб паразитлик, йирткичилик қилувчи ёки касаллик тарқатувчи Scolopendridae, Buthidae, Rhagodidae, Galeodidae, Acaridae, Formicidae оиласининг 31 турга мансуб вакилларининг 53 та нусхадаги намуналари Зоология институтининг Ноёб илмий объекти коллекцияси фондига топширилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 19 мартдаги №4/1255-842-сон маълумотномаси). Натижада, намуналар бўғимоёқлилар фондиди бойитиш ҳамда термитлар миқдорини биологик назорат қилувчи бўғимоёқлилар турларидан иборат маълумотлар базасини шакллантириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та амалий тавсия, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, 5 та боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгиллиги ва амалий

натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Термитлар экологияси ва уяларининг ўрганилиш ҳолати**» деб номланган биринчи бобида танланган мавзу бўйича адабиётлар шарҳи баён этилган. Хорижий давлатлар, МДХ ва мамлакатимиз олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бунда кўтарилган мавзу ўрганилишининг ҳозирги аҳволи, термит зараркунандалари, уларга қарши кураш масалаларига бағишланган тадқиқотлар тизимлаштирилган ва назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Хоразм вилоятининг табиий-географик шароитлари, тадқиқот материаллари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг иқлими, тупроғи, ўсимлик қоплами ва бошқа табиий шароитлари, табиий-географик ва агрометеорологик тавсифи ўрганилган ва тажриба ўтказиш шароити бўйича илмий иш манбалари ва иш услублари ишлаб чиқилган.

Термитлар ва уларнинг биотоплари, тадқиқ қилиш шароитлари, йиғилган жойлари тавсифланган. Тадқиқотнинг маршрутли усуллари билан Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний. Эллиққалъа туманлари, Хоразм вилоятининг барча туманлари қамраб олинди. *Anacanthotermes* авлоди термитлари умум қабул қилинган энтомологик усулларда ҳамда «экстerra» аппарати ёрдамида йиғилди. Термитларни йиғиш ва таҳлил қилиш йилнинг барча фаслларида амалга оширилди. Материал тўплашда термит уя камералари, лой сувоқлар ва тупроқ қатламлари таҳлил қилинди.

Термитларнинг биологик хусусиятлари, уларнинг популяцион экологияси Жужиков (1979), Длусский (1988), Гиляров (1990), Bignell (2000), Беляева (2004) услублари асосида ўрганилди. *Anacanthotermes* авлодига мансуб термит уяларидаги табақаларининг ўзаро муносабатлари, хулқ атворини ўрганиш ишлари Krob (2008) услублари асосида табиий ва лаборатория шароитида термит уяларида амалга оширилди. *A.ahngerianus* нинг турли даражадаги намлик (RH) ва ҳароратда (°C) яшавчанлигини аниқлаш ишлари J.Hu ва бошқалар (2012), J.Zukowski (2017) ва Su (2002) услубларидан фойдаланилди.

Термитлар биотаси бўғимоёқлилар тур таркибини аниқлаш ишлари J.M. Pasteels (1971), C.Everaerts (1993), Y.Roisin (2000), услублари асосида амалга оширилди. Намуналар пинцет билан алоҳида йиғилиб, 80% спирт, Буэна эритмаси ёки формол-спиртли сирка кислотасида (20: 75: 5) сақланди. Касал ва ўлган ҳашаротларни йиғиш ишлари Лунд (1976), Лютикова (1984), Лебедева (2005) услубида олиб борилди. Микробиологик таҳлил учун жами 645 та бионамуна олинди, термитлар микрофлорасини аниқлаш ишлари бактериология ва микология услублари (Fernandes 1991; Dunlap 2007; Frankenhuyzen 2009; Bravo 2011) дан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Anacanthotermes Jacobson, 1904 авлоди термитларининг экологияси**» деб номланган учинчи бобида

*Anacanthotermes* авлодига мансуб *Anacanthotermes ahngerianus* термитларининг популяцияси муаммолари ёритилган. Кўриб чиқиладиган термит популяцияси уялари тузилиши ва унинг термитлар ҳаётидаги аҳамиятини ўрганиш борасида амалга оширилган тадқиқотларда табиий шароитда бир хил тарқалмаганлиги, энг кўп уялар ўсимликлар қопламига бой тупроқларда тарқалганлиги ўрганилган. 460,5 дм<sup>3</sup> ҳажмдаги уя архитектураси ўрганилганда 23 та турли кўринишдаги ва вазифалари билан фарқланувчи камералар мавжудлиги қайд этилди. Ясси нотўғри шаклдаги камералар тепада кўп бўлиб, узунлиги 7 см гача (ўртача 3,96 см) баландлиги 1 см бўлиши аниқланди. Барча камералар ва ўтиш йўллари деворлари жуда майда шаффоф биологик маҳсулот яъни тўсиқ билан қопланган бўлиб, текширишлар натижасида бу қатлам бактерицид ва фунгицид хусусиятга эга ҳимоя воситаси эканлиги қайд этилди. Ушбу девор қопламаси ишчи термитларнинг сўлак безлари туфайли ҳосил бўлган (1-расм).



**1-расм. Термит уяси ва ундаги камералар** (дала тажрибаси)

Уяда бу камералар тупроқнинг ўртача 0,24 м чуқурлигигача давом этиши аниқланди. Камераларда захира озиқ моддаларни тўпланиши билан боғлиқ Беруний тумани “Озод” фермер хўжалигида олиб борилган тадқиқотларимизда 3 та (I, II, III) термит уяларининг ўртача битта камерасида 88,9 г ўсимлик қолдиқлари сақланиши, бутун уяда ўртача 2046,8 г захира озиқ мавжудлиги қайд этилди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Термит уяси камераларидаги захира озиқ моддалар**  
(Беруний туман “Озод” фермер 2020 йил)

Термит Уяси	Термит камераларидаги захира ўсимлик қолдиқлари (гр. ҳисобида)					
	1-камера	2-камера	3-камера	4-камера	5-камера	ўртача
<b>I</b>	79,57	83,43	75,23	91,20	71,42	80,17
<b>II</b>	102,13	65,12	98,34	104,27	87,17	91,4
<b>III</b>	106,29	98,16	85,76	105,39	81,42	95,4
<b>ўртача</b>	95,99	82,24	86,44	100,3	80,0	88,9

*A. ahngerianus* нинг беш хил намлик (Н) ва уч хил ҳарорат ( $^{\circ}\text{C}$ ) таъсирида яшовчанлик фаолиятини текшириш борасидаги тадқиқотларимизда сув ва сувга намланган пахтадаги термитлар бошқа субстратдагиларга ( $\text{NaCl}$ ,  $\text{MgCl}_2$ ,  $\text{CaCl}_2$ ) нисбатан омон қолиши қайд этилди. Жумладан сувга намланган пахтадан иборат 100% намлик идишлардаги термитлар яшовчанлиги  $20^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 88.4% ни,  $25-30^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 74.7% ни, фақат сувдан иборат идишлардаги термитлар яшовчанлиги 83,25% намликда  $20^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 71,8% ни,  $25^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 59.5%,  $30^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 23,2% ни ташкил этиши қайд этилди. Шунингдек суюлтирилмаган  $\text{CaCl}_2$  да 9,89% намликда термитлар яшовчанлиги  $20^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 20,7% ни,  $25-30^{\circ}\text{C}$  ҳароратда термитлар тўлиқ нобуд бўлганлиги аниқланди (2-жадвал).


## 2-жадвал

### *A. ahngerianus* ишчи термит табақалар фаолиятига намлик (Н) ва ҳарорат ( $^{\circ}\text{C}$ ) нинг таъсири (24 соат, $M \pm SE$ , $n = 5$ )

$^{\circ}\text{C}$	СМ ва намлик (% ҳисобида)				
	Нам пахта ( $100 \pm 0.3$ )	$\text{H}_2\text{O}$ ( $83.25 \pm 0.5$ )	$\text{NaCl}$ ( $64.88 \pm 2.5$ )	$\text{MgCl}_2$ ( $42.98 \pm 2.4$ )	$\text{CaCl}_2$ ( $9.89 \pm 0.1$ )
$20^{\circ}\text{C}$	$88.25 \pm 0.95$	$70.75 \pm 1.70$	$68.25 \pm 0.95$	$30.5 \pm 0.57$	$20.25 \pm 0.5$
$25^{\circ}\text{C}$	$73.75 \pm 0.95$	$59.5 \pm 1.29$	$8.75 \pm 0.5$	$0.0 \pm 0.0$	$0.0 \pm 0.0$
$30^{\circ}\text{C}$	$74.0 \pm 0.81$	$23.25 \pm 0.95$	$8.75 \pm 0.5$	$0.0 \pm 0.0$	$0.0 \pm 0.0$

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, биноларда намликнинг ортиши, ҳароратнинг  $20^{\circ}\text{C}$  ва  $25^{\circ}\text{C}$  атрофида бўлиши ишчи термитлар учун қулай шароит вужудга келишига, муҳитда ҳавонинг нисбий намлиги камайиши ва ҳароратнинг ошиши эса термитларга зарарли таъсир кўрсатиб, уларни иммунитетини камайишига ва нобуд бўлишига сабаб бўлиши аниқланди.

Кўриб чиқилаётган термит турлари популяциясининг тузилиши миқдори, туғилиши, ўлими, жинс нисбати ва тарқалиши умуман ривожланиши билан фарқланувчи тўрт хил гуруҳдан иборат: тухум, личинка, нимфа ва имаго эга эканлиги ва ҳар бир табақанинг оиладига вазифалари, хулқ атвори ўрганилди (2-расм).



**2-расм. *Anacanthotermes* авлоди термитлари ривожланиш йўллари**

Оилада ишчи термитларнинг хулқ атворини ўрганиш билан боғлиқ лаборатория ишларимизда термит уяларидан олиб келинган ишчи термитлар белгиланган услублар асосида 6 ёшга ажратилди ва улар хужайралар учун зарарсиз бўлган табиий судан сариқ -  $C_{16}H_{12}N_2O$ , судан тўқ сариқ -  $C_{18}H_{16}N_2O$ , судан қора  $C_{17}H_{14}N_2O_2$ , судан қизил -  $C_{17}H_{14}N_2O_2$  ва акранил кўк ҳамда яшил  $C_{20}H_{20}N_3Cl$  - рангдаги турли табиий бўёқлар билан бўялди (3-расм).



**3-расм. Ишчи термитлар хулқ атворини ўрганиш**  
(лаборатория шароити)

Диссертациянинг «*Anacanthotermes* авлоди термитларининг биоценоз компонентлари» деб номланган тўртинчи бобида *Anacanthotermes* авлоди термитларининг ҳаёти, уларнинг уялари билвосита ҳамда бевосита турли тирик организмлар-умуртқасиз ва микроорганизмлар билан боғлиқ бўлади. Жумладан, *A. ahngerianus* популяциялари уялари текширилганда умуртқасиз бўғимоёқлиларнинг 5 туркум, 6 оила, 16 авлодга мансуб 31 тури термитлар уяларида яшаб паразитлик, йиртқичилик қилиши ёки инвазион организмлар эканлиги аниқланди.

2018-2020 йиллар давомида Хоразм воҳасининг Хива, Шовот, Тупроққалъа, Қорақалпоғистон республикасининг Беруний ва Эллиққалъа

туманларида термит уяларида касалланган, нимжон термит табақаларини аниқлаш мақсадида кузатув, таҳлилий ва тадқиқот ишлар амалга оширилганда Formicidae оиласига мансуб *Camponotus xerxes* Forel, 1903, *Cataglyphis aenescens* Nylander, 1849 чумолилар кўп бўлиши ва термитлар миқдорини камайтириши аниқланди. Ушбу термит уялардан 100 тадан термит табақалари лабораторияга олиб келиб текширилганда, термитларда нимжонлик, иммун тизими пасайганлиги натижада турли касалликларга (замбуруғ, бактериал, нематода ва каналар) чалинганлиги қайд этилди (4-расм).

Тадқиқот натижаларга кўра *Anacanthotermes* авлоди термитлари хусусан *A. ahngerianus* тури баҳор ва куз фаслларида *Hypoaspis miles* канаси билан кўплаб зарарланиши қайд этилди. Шу даврда термит уяларидан олиб келинган термитларнинг лабораторияда каналар билан зарарланиши таҳлил қилинганда *Hypoaspis miles* канасидан зарарланиш апрел ойида 28%, май ойида 37% ташкил этиши, июл ойида эса 3%, кузда яна зарарланиш ортиб сентябрда бу кўрсаткич 45% ни ташкил қилганлиги қайд этилди. Шу даврда табиий шароитда уядаги термитлар миқдори ўрганилганда, термитлар миқдори кескин камайганлигига гувоҳ бўлдик.



#### 4-расм. Термитларнинг зарарланиш даражалари

Бундан ташқари *S.aenescens*, *P.pallidula* чумолиларда касаллик келтириб чиқарувчи *Myrmicinosporidium durum* замбуруғ термитларда ҳам вақти билан учраши ва табиий шароитда улар миқдорини камайтириб туришда, термитларда иммун тизимини пасайтиришдаги роли аниқланди. Тадқиқот натижаларимизда *S.aenescens*, *P.pallidula* чумолиларнинг термит уялари атрофида учраши термитларда *Myrmicinosporidium durum* замбуруғини юктириш мумкинлигига гувоҳ бўлдик. Таҳлил натижаларимизга кўра, термитлар бу замбуруғ билан зарарланиши 100 та термитдан 12% ни июн ойида, сентябр ойида эса 25% ни ташкил этди. Тадқиқот натижаларимизга асосан паразит организмлар йил давомида термитлар иммун тизимига сезиларли таъсир кўрсатиши, миқдорини камайтириб туриши, баъзи ҳолларда оиланинг бутунлай қирилиб кетишига сабаб бўлган. Бундай

холларда Formicidae оиласи вакиллари томонидан термитларга кўплаб қирон етказилиши аниқланди.

Чумолиларнинг термитлар фаолиятидаги роли ўрганилганда *Camponotus* ва *Cataglyphis* авлодига мансуб 6 тур *Camponotus fedtschenkoi*, *Camponotus lameerie*, *Camponotus turkestanicus*, *Camponotus xerxes*, *Cataglyphis aenescens*, *Cataglyphis setipes* чумолилар зоофаглар бўлиб, табиий шароитда термитлар миқдорини кескин камайтириб туришда иштирок этади. Шунингдек *Cataglyphis aenescens* тур чумоли *Myrmicinosporidium durum* замбуруғ касаллигини ташишда хўжайин сифатида иштирок этиши аниқланди.

2018-2020 йилларнинг барча фаслларида термитлар микобиотаси тур таркибини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотларда термит танаси, термит уясига яқин тупроқдан, уя камералари ва озикасидан 31 турдаги замбуруғлар ажратиб олинди ва тур таркиби аниқланди. Субстратлардан ажратилган замбуруғларнинг микробиологик таҳлили асосида Eumicota бўлимига мансуб 7 синф, 17 оила, 19 авлодга мансуб 31 турлар қайд этилди. Турлар таркиби бўйича таҳлил қилинганда энг кўп *Aspergillus* авлодига мансуб 6 тур, *Penicillium* авлодига мансуб 3 тур, қолган авлодлар битта ёки иккита турдан иборатлиги қайд қилинди. Субстратлардан ажратиб олинган микромицетларнинг 22 тури термит яшайдиган уялар атрофидаги тупроқларда, 21 тури термит озикасида, 17 тури термит танасида, 6 тури термит камераларида учраши қайд этилди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Микромицетларнинг турли субстратларда учраши

(Хоразм воҳаси тадқиқот жойлари, 2018-2020 йиллар)

Микромицетлар учраши	Замбуруғлар ажратиб олинган субстрат номи			
	Термит танасида	Термит уяси тупроғида	Термит камераларида	озикасида
Хамма вақт	1	1	-	1
тез-тез	3	7	-	6
Кам	3	6	-	4
жуда кам	1	1	1	4
баъзида	9	7	5	6
<b>жами</b>	<b>17</b>	<b>22</b>	<b>6</b>	<b>21</b>

Аниқланган 31 турдаги замбуруғларнинг 70,9% термит уясида қайд этилган бўлса, 19,3 % и термит камераларида аниқланди. Олиб борилган тадқиқотларимизга кўра, термит уяси айниқса, махсус термит камералари патоген микроорганизмлардан стерил бўлиши қайд этилди. Термитлар патоген замбуруғларга нисбатан иммунитетлик хусусиятига эга бўлиб, ишчи термитларнинг сўлаги фойдали замбуруғлар, жумладан *Termitomyces* замбуруғлардан ташқари бошқа замбуруғларга фунгицидлик таъсир кўрсатиш хусусиятга эга эканлиги аниқланди (5-расм).




**5-расм. Термитлардан ажратиб олинган энтомопатоген замбуруғ культуралари (Хоразм воҳаси табиий шароитларидан йиғилган)**

Табиий шароитда термитларнинг касаллиги ва ўлимининг сабаби *Aspergillus* (*A.flavus*, *A.oryzae*) ва *Beauveria* (*B.bassiana*, *B. tenella*) авлодидаги замбуруғларга боғлиқ бўлиб, термит субстратида *Beauveria* авлодига мансуб энтомопатоген замбуруғлар турлари учрамади. Термитларнинг ўлик табақалари таҳлил қилинганда, кўпинча *Mucor* авлодига мансуб замбуруғлар томонидан зарарланганлиги қайд этилди. *Beauveria tenella* ва *Mucor sp.*; *B.tenella* ва *Penicillium sp.*; *B.tenella* ва *Alternaria sp.* турлари ва *Aspergillus* авлоди турлари (*A. flavus*, *A.oryzae*, *A. niger*) термитларни мустақил зарарлаши ва ҳашаротнинг бутун танасини қоплаши аниқланди.

Диссертациянинг «Термитлар миқдорини биологик назорат қилиш» деб номланган бешинчи бобида *Anacanthotermes* авлоди термитларининг миқдорини назорат қилишда энто ва экзопатоген нематода ва каналарнинг ва микроорганизмлар роли юзасидан олинган тадқиқот натижалари келтирилган.


Тадқиқотларимизда турли шароитдаги 16 та термит уяси таҳлил қилинганда, уларнинг 2 тасида умуман термит табақалари учрамаганлиги, 3 тасида чумолилар тўдасига дуч келганлиги, 2 тасида нимжон ишчи термитлар мавжудлиги қайд этилди. Ушбу термит уяларидан келтирилган термит табақалари лаборатория шароитида текширилганда асосан, ишчи ва нимфа термитлар танасида *Hypoaspis miles* ва *Acotyledon obsoloni* Sams. каналар учраши қайд этилди (6-расм).





**6-расм. *Hypoaspis miles* ва *Acotyledon obsoloni* Sams канаси билан зарарланган ишчи термит (дала шароити)**

Термитларнинг нематодалар билан зарарланишини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотларда нематодалардан термитларнинг зарарланиш даражаси 22,3% ни ташкил этди, шунингдек ҳар бир термит уясида ишчи ва личинкаларнинг нематодалардан зарарланиш ҳолатлари кузатилди. 2019 йил 21 майдан 20 июн кунлар орасида турли жойлардан келтирилган 840 та термит табақасида нематодалардан зарарланиш даражаси 2,7 % дан 100% гача, юқумлилик интенсивлиги 1 тадан 50 тагача бўлиши қайд этилди. Август ва апрель ойларида нематодалар кузатилмади. Январь ойида амалга оширилган тадқиқотларимизда зарарланиш даражаси 9,5%, юқумлилик 1 тадан 6 тагача бўлишлилиги аниқланди. Вояга етган нематодалар идентификация қилинганда улар *Pelodera termitis* sp., *Panagrolaimus* sp. тур эканлиги қайд қилинди (7-расм).



**7-расм. *Anacanthotermes ahngereianus* ишчи термитларидаги паразит *Pelodera termitis* sp., *Panagrolaimus* sp. тур нематодалар (Н.Лебедева расмлари)**

Энтомопатоген замбуруғларнинг суяқ культурасида термитларга нисбатан таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар амалга оширилди. Бунда аниқланган ҳар бир энтомопатоген замбуруғларнинг вирулиентлик хусусиятлари 10 кун давомида ўрганилди. Тажрибада термитларнинг нобуд бўлиши энтомопатогенлар культураси таркибидаги токсинлар ва бошқа

биологик фаол моддаларнинг таъсирига боғлиқлиги қайд этилди. Энтмопатогенларнинг синовдан ўтган 6 та штаммларининг асосий 3 таси 25 кунлик суюқ культураларининг токсиклиги анча юқори айниқса, 7 кунда хашаротларга таъсири кучли бўлганлиги таъкидланди. Айниқса *Beauveria tenella* (73,0%) ва *Metarhizium anisopliae* (70,6%) вариантлари анча юқорилиги қайд этилди (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Энтмопатоген замбуруғларнинг суюқлик культураларида термитларнинг ҳаёт фаолиятига таъсири

№	Тажриба варианты	Вариандаги термитлар сони	Нобуд бўлган термитлар (%) кунлар бўйича (M±m; n=3)			
			7	10	15	25
1.	<i>B. bassiana</i>	100	63.7±1.5	75.3±2.5	78.3±3.2	80.3±2.1
2.	<i>B. tenella</i>	100	73±2.5	89±3.3	92.3±0.6	95,3±2,1
3.	<i>M.anisopliae</i>	100	70.6±1.5	78.3±0.6	86.3±0.6	96±2.9
4.	Назорат	100	0.0	2±1.2	7±1.3	8±1.6

Кейинчалик, ушбу вариантларда нобуд бўлган хашаротлар сони доимий равишда кўпайиб борди ва 25 кундан сўнг 96 % ни ташкил этди. *Beauveria bassiana* замбуруғи суюқ культурасининг токсиклик даражаси дастлаб бироз суст бўлиб, кейинчалик тажриба охирида мос равишда 75,3 ва 80,3% ни ташкил этди. Шундай қилиб, тажрибада ўрганилган 3 та асосий энтмопатоген замбуруғларнинг 25 кунлик культураларини термитларга нисбатан таъсири 80,3% дан 96% гача, айниқса *Beauveria tenella* ва *Metarhizium anisopliae* замбуруғлар вирулиентлиги юқори эканлиги қайд этилди (8-расм).



#### 8-расм. *Metarhizium anisopliae* замбуруғи колонияси ва у билан зарарланган ишчи термит

Замбуруғларнинг паразитизм ва патогенлик ўртасида чегара кескин эмас ва асосан иккита хусусияти билан белгиланади. Бунда организм хужайрасининг ўлимига сабаб бўлган тезкорлик ва буни амалга ошириш

воситалари. Баъзи замбуруғларнинг зарарли таъсири кўзга ташланмаслиги ёки таъсир кўрсатмаслиги мумкин. *Myrmicinosporidium* шулар жумласидан ҳисобланади. *Myrmicinosporidium durum* эндопаразит замбуруғи 16 авлодга мансуб 35 турдаги чумолиларда қайд қилинган. Тадқиқотимиз шуни кўрсатдики, Хоразм воҳаси шароитида термитларда замбуруғ касаллигини кўзгатувчи микроорганизмлардан илк бор *Myrmicinosporidium durum* замбуруғ тарқалганлиги қайд этилди. Тадқиқот натижаларимизга кўра, ушбу *Myrmicinosporidium durum* замбуруғи *Cataglyphis aenescens* тур чумоли орқали зарарланганлиги ва нобуд бўлиши ўрганилди (9-расм).



**9-расм. *Myrmicinosporidium durum* замбуруғидан зарарланган *Cataglyphis aenescens***

*Bacillus thuringiensis* бактериясининг патогенлигини ошириш мақсадида *A.ahngerianus* ишчи ва нимфа табақаларида унинг 1% ли борат кислотаси билан аралашмасида тадқиқотлар амалга оширилди. Тадқиқотлар 4 гуруҳда ҳар бир гуруҳда 25 та ишчи термит сақланган ҳолда амалга оширилди. Биринчи гуруҳ назорат, иккинчи гуруҳ *Bacillus thuringiensis* билан зарарлантирилган, учинчи гуруҳ борат кислотаси, тўртинчи гуруҳ *Bacillus thuringiensis* + борат кислотаси аралашмасидан иборат суспензияда таъсири ўрганилди. *A.ahngerianus* ишчи термит табақалари 24 соатдан кейин *B. thuringiensis*, 1% борат кислота ва *B. thuringiensis*+1% борат кислота аралашмасидаги суспензия таъсирида 19%, 33%, 41% нобуд бўлиши қайд этилди. Ишчи термитларнинг зарарланишдан кейин тўлиқ 100% нобуд бўлиши 72, 96 ва 120 соатдан кейин *B. thuringiensis*, 1% борат кислота ва уларнинг аралашмасидаги суспензияда кузатилди (5-жадвал).

**5-жадвал**

***B. thuringiensis* ва бор кислотасининг ишчи термит табақаларига биологик самарадорлиги (%ҳисобида)**

Зарарлангандан кейин/вақт	№1 Назорат	№2 <i>B. thuringiensis</i>	№3 Бор кислота	№4 <i>B. thuringiensis</i> + бор кислота
24	02,32	18,76	33,23	40,57
48	14,72	57,25	63,17	81,12
72	16,13	72,23	100	-

96	19.15	87,13	98.34	100
120	21.10	100	-	-

Шунингдек *A. ahngerianus* нимфа термит табақаларини ҳам биологик, кимёвий препаратлар ва уларнинг аралашмаларидаги биологик самарадорлиги ўрганилди. Бунда 5 кундан сўнг *B. thuringiensis*, 1% борат кислота ва *B. thuringiensis*+1% борат кислота аралашмасидаги суспензия таъсирида 65%, 69%, 78% нобуд бўлиши қайд этилди. Нимфа термитларнинг зарарланишдан кейин тўлиқ 100% нобуд бўлиши 8-кун (192 соат), 9-кун (216 соат), 10-кундан (240 соат) кейин *B. thuringiensis*, 1% борат кислота ва уларнинг аралашмасидаги суспензияда кузатилди (6-жадвал).

**6-жадвал**

***B. thuringiensis* ва бор кислотасининг нимфа термит табақаларига биологик самарадорлиги (%ҳисобида)**

Зарарлангандан кейин/вақт	№1 Назорат	№2 <i>B. thuringiensis</i>	№3 Бор кислота	№4 <i>B. thuringiensis</i> + бор кислота
24	0,00	5,34	7,24	9,12
48	2,17	8,56	16,43	32,19
72	4,24	11,28	40,13	41,43
96	4,39	37,57	63,28	64,58
120	4,17	65,24	69,12	78,27
144	4,43	67,18	79,04	89,78
168	5,03	75,29	88,12	98,25
192	5,10	85,19	94,32	100,00
216	5,31	96,32	100,00	-
240	5,15	100,00	-	-

## ХУЛОСАЛАР

“*Anacanthotermes* Jacobs авлоди термитларининг экологияси, хулқ-атвори ҳамда касалликларга мойиллиги” мавзусидаги фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди.

1. *Anacanthotermes* авлоди термитлар экологиясига боғлиқ ҳолда термит табақаларининг уядаги хулқ атвори ва тарқалиш ареалларидаги функцияланиш хусусиятлари мавжуд.

2. *Anacanthotermes* авлоди термит уя камералари тузилиши, тизими ўзига хос бўлиб, унга ташқи омиллар таъсири катта эканлиги билан ажралиб туради. *Anacanthotermes* термитлар уя камералари бактериоцид ва фунгицид химоя воситасига эга эканлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

3. Термит табақалар орасида меҳнат тақсимотининг мавжудлиги уларнинг экологик ютуқлари ва эргономик самарадорлиги юқори эканлиги билан изоҳланади.

4. Аҳоли турар жой бинолари ва тарихий ёдгорликларда термитлар тарқалиши ва зарарлаш кўламининг асосий сабаблари намлик ва ҳарорат таъсирида термитларнинг зарарлаш ва тарқалиш ареалининг кенгайиб бориши билан алоқадордир.

5. *A. ahngerianus* термитлари билан трофик боғлиқ умуртқасиз бўғимоёқлиларнинг 5 туркум, 6 оила, 16 авлодга мансуб 31 тури мавжуд. *Anacanthotermes* авлоди термитлар миқдорини назорат қилишда энг кўп Formacidae оиласи вакиллари айниқса, *Cataglyphis etipes*, *Camponotus xerxes* турларининг аҳамияти катта.

6. *Nypoapis miles* канаси ва *Myrmicinosporidium durum* замбурғлари *Anacanthotermes* авлоди термитлар танасида паразитлик қилиб, уларнинг гемолимфа суюқлиги билан озиқланади.

7. Термит танаси, уларнинг уя камералари, тупроқлари ва озуқасидан *Eumicota* бўлимига мансуб 7 синф, 17 оила, 19 авлодга мансуб 31 тур замбуруғлар учрайди. *Beauveria bassiana*, *Beauveria tenella*, *Metarhizium anisopliae*, *Myrmicinosporidium durum* замбуруғлар термитлар учун 87% дан 96% гача патогенлик хусусиятларини намоён этади.

8. *Myrmicinosporidium durum* замбурғи термитларида паразитлик қилиб, табиий шароитда уларнинг миқдорини назорат қилиш хусусиятига эга.

9. Термитларга қарши курашда *B. thuringiensis* штамми аралаш бор кислота ва 5-алмашган амино-1,3,4-тиадиазолин-2-тион ҳосилалари асосида тайёрланган препаратларнинг биологик самарадорлиги термитларга нисбатан юқори даражада эканлиги билан ажралиб туради.

10. *B.tenella*, *M. anisopliyaе* штаммлари асосида яратилган мажмуавий янги патоген ем-хўрак термитлар миқдорини назорат қилиш ва уларга қарши курашишда самарадор восита сифатида ишлаб чиқаришга тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.В.20.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ХОРЕЗМСКАЯ АКАДЕМИЯ МАЪМУНА**

**ДОСЧАНОВА МАНЗУРА БАБАЖАНОВНА**

**ЭКОЛОГИЯ, ПОВЕДЕНИЯ И ВОСПРИИМЧИВОСТЬ К БОЛЕЗНЯМ  
ТЕРМИТОВ РОДА *ANACANTHOTERMES* JACOBS**

**03.00.06 – Зоология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Нукус – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.2.PhD/В318.**

Диссертация выполнена в Хорезмской академии Маъмуна.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) и в Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Абдуллаев Икрам Искандарович**  
доктор биологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Жугинисов Тангирберген Исаевич**  
доктор биологических наук, доцент

**Бекмуродов Абдужаббор Сатторович**  
доктор философии (PhD) по  
биологическим наукам, доцент

**Ведущая организация:**

**Андижанский государственный университет**

Защита диссертации состоится «10» февраля 2022 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.В.20.04 при Каракалпакском государственном университете. (Адрес: 230112, г. Нукус, ул. Ч.Абдирова, дом 1. Зал заседаний Каракалпакского государственного университета. Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78, E-mail: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz)).

С диссертации можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского государственного университета (зарегистрировано за №64). Адрес: 230112, г. Нукус, ул. Ч.Абдирова, дом 1. Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78.

Автореферат диссертации разослан «24» январь 2022 года.  
(реестр протокола рассылки № 1 от «24» январь 2022 года)



**М.А.Жуманов**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.б.н.,  
профессор

**М.К.Бегжанов**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.ф.б.н.

**Я.И.Аметов**  
Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., доцент

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Ускорение человеческой деятельности и освоение природы в мире ведет к усилению взаимодействия живых организмов с различными материалами и техническими устройствами, а также расширению масштабов биоповреждений. Особое значение в этом отношении имеют вредители со специфическим поведением и социальным разделением, разработка и внедрение эффективных мер биологической борьбы с ними на основе природных врагов и микроорганизмов имеет большое научное и практическое значение.

В мире уделяется большое внимание борьбе с насекомыми, в том числе термитами, которые наносят большой ущерб зданиям и их конструкциям, а также предотвращению их распространения. В связи с этим был создан международный центр по изучению разнообразия термитов, внедрены биотехнологические методы мониторинга распространения термитов и разработаны более совершенные средства борьбы с ними. Следует отметить, что среди членов семейства *Nodotermitidae*, распространенных в жарких и засушливых регионах Азии и Африки, специализация рода *Anacanthotermes* в материалах, необходимых для питания и гнездования, и прочность социально-коллективных связей обеспечивают их широкий экологический ареал и гибкость. Кроме того, процесс прогрессирующей миграции и распространения инвазионных степеней термитов рода *Anacanthotermes* из естественной среды в здания и сооружения напрямую связан с изменениями экологических условий и процессов, связанных с развитием природных ландшафтов, и исходя из социального поведения термитов и экологических особенностей возможно разработка мер борьбы с ними. Соответственно, большое научное и практическое значение имеет определение экологии и поведения термитов рода *Anacanthotermes*, оценка их восприимчивости к болезням и разработка естественных и безвредных средств борьбы с ними.

В настоящее время особое внимание уделяется защите сельского хозяйства, животноводства, рыболовства и других экономических и стратегических секторов страны от биоповреждения. В связи с этим, в частности, в разрезе административных территорий определены распространение и инвазивность вредных видов, разработаны меры по предотвращению проникновения и распространения данных видов на территории республики, созданы углубленные меры борьбы с термитами, повреждающими конструкции зданий и сооружений. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определяет задачи, в том числе «предотвращение проблем, наносящих вред окружающей среде»<sup>21</sup>. При выполнении этих задач, включая изучение поведения и экологии термитов

---

<sup>1</sup>Законе Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»



рода *Anacanthotermes*, определение естественного контроля численности термитов и разработка альтернативных мер борьбы с ними имеют большое научное и практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, поставленных в Законе Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» Постановлении Президента Республики Узбекистан от 18 января 2017 года № ПП-2731 «О Государственной программе развития Приаралья на 2017-2021 годы» и 28-пункта 7-приложения «Патогенная приманка для предотвращения распространения термитов» Постановления Президента Республики Узбекистан от 12 августа 2020 года №ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям «химия» и «биология» и других нормативных актах, связанных с этой деятельностью

